

Ризқингиз кенг бўлишини хоҳлайсизми?



ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ МУҲАММАД ЮСУФ

РИЗҚИНГИЗ КЕНГ БЎЛИШINI ХОҲЛАЙСИЗМИ?

«БОЗОР ВА УНГА
БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР»
КИТОВИДАН



20:00 / 19.08.2019 2138

Савдогарларнинг муҳим одобларидан бири саҳархезлик ва ишни эрта бошлашдир.

???? ?????? ?????????????????? ??????? ??????? ??????????

???? ?????????????????? ??? ?????? ?????? ?????? ???????:

«????????????????? ?????????? ?????????????????? ??? ??????????????????»?

??????: ?????????? ??????? ?????????? ?????????????????? ??????

????????? ?????????????????? ?????????? ?????????????????? ??????????

????????? ?????????? ?????????????????? ?????????? ??????? ??????????

????????? ?????? ???????? ?????????????? ??????????????

????????? ??????????. ?????????? ????????????????????

????????????????.

Соҳр Ғомидий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳим, умматимга саҳарини баракали қилгин!» дедилар. У зот лашкар ёки сарийя юборадиган бўлсалар, эрта тонгда юборар эдилар».

Соҳр тожир одам эди. Қачон тижорат (карвони) юборадиган бўлса, эрта тонгда юборар эди. У бой бўлиб, моли кўпайиб кетди».

Термизий ривоят қилди ва ҳасан деди.

Ҳар бир нарсада эрта саҳардан ҳаракат қилиш жуда ҳам фойдали ва баракотлидир. Чунки бунга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дуолари кетган. Тажриба ҳам шуни кўрсатади. Нима иш қиладиган бўлсак, эрта саҳардан бошлашга одатланишимиз керак. Ўз меҳнати билан ризқу рўз топиш **Ислом** умматининг энг яхши авлоди – саҳобаи киромларнинг, энг кўзга кўринган сиймоларнинг одатлари эди. Аммо кейинги пайтларда одамлар, хусусан савдогалар саҳархезликка эътибор бермай қўйдилар. Кечалари турли бўлган-бўлмаган нарсалар билан машғул бўлиб, саҳар чоғида ухлайдиган бўлдилар. Бу бараканинг йўқолишига сабаб бўлувчи кабиҳ одатлардандир. Шунинг учун барча мўминлар, хусусан савдогарлар саҳархез бўлиш пайдан бўлишлари лозим.

«Бозор ва унга боғлиқ масалалар» китобидан